

57.026 (043.3)

Д14

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ

Қўлёзма ҳуқуқида

УДК 574(09)(575.1)+314(09)(575.1)

ДАВЛЕТОВ САНЖАРБЕК РАЖАБОВИЧ

**“XX АСРНИНГ СЎНГИ ЧОРАГИДА ҚУЙИ АМУДАРЁ
ҲУДУДИДА ИЖТИМОЙ-ЭКОЛОГИК ВАЗИЯТ
ВА ДЕМОГРАФИК ЖАРАЁНЛАР”**

Мутахассислик: 07.00.02 – Ўзбекистон тарихи

Тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш
учун тақдим этилган диссергация

АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент - 2003

57.026 (043.3) ш.
Д 14

Муқарраман уебова
Тўра
гексаз
Диссертация ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети
Ўзбекистон тарихи кафедрасида бажарилган.
Илмий раҳбар: Мирзо Улуғбек
Расмий оппонентлар: Хуррамов

тарих фанлари доктори
Д.Б. Бобожонова

фалсафа фанлари доктори,
профессор Ю.Ш. Шодиметов
тарих фанлари номзоди
М.Ж. Жўраев

Етакчи илмий муассаса: – Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети

Химоя 2003 йил 19.06 ойнинг 7 кунини соат 10 да Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ҳузурдаги 07.00.02 – “Ўзбекистон тарихи” ихтисослиги бўйича тарих фанлари номзоди илмий даражасини химоя қилиш бўйича К 067.02.12 рақамли Ихтисослашган Кенгаш мажлисида ўтказилади.

Манзил: 700174, Тошкент, Талабалар шаҳарчаси, ЎзМУ, “В” отсек, 107-хона.

Диссертация билан Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети илмий кутубхонасида танишиш мумкин (700174, Тошкент, Талабалар шаҳарчаси).

Автореферат 2003 йил 19.06 ойнинг 7 кунини тарқатилди.

Ихтисослашган Кенгаш
илмий котиби,
тарих фанлари номзоди



Б.Ж. Эшов

ТАДҚИҚОТНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Мавзунинг долзарблиги. XXI асрга келиб, инсоният учун оламни асраш энг муҳим ва долзарб масалалардан бири бўлиб қолди. Ҳозир, дунёнинг қайси бир минтақасини олиб қараманг, инсон ҳаёти учун катта хавф туғдираётган экологик вазиятни бартараф қилишдек оғир муаммолар ўз ечимини кутиб турганлигини кўрамиз. Жумладан, Орол фожиаси мисолида бу хавф Ўзбекистонга ҳам таҳдид солмоқда. Шунинг учун ҳам Президент Ислоҳ Каримов Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг павбатдан ташқари сессиясида: “Бугун дунё ҳамжамияти, аввало, халқаро ташкилотлар, инсонпарварлик фаолияти билан шуғулланганидан ташкилотларга Орол фожиаси тўғрисида ортиқча тушунтириш, кўшимча маълумот беришга ҳоҷат қолмади. Бу масала ҳозирги кунда халқаро майдонда дунё миқёсидаги катта фожа, оғир муаммо бўлиб кун тартибига қўйилмоқда”, – деб таъкидлади¹.

2002 йил 6 октябрда Душанбе шаҳрида бўлиб ўтган Орол муаммосига бағишланган саммитда қатнашган Халқаро Оролни кутқариш жамғармасига аъзо мамлакатлар давлат раҳбарлари Оролбўйидаги экологик ва ижтимоий-иқтисодий инқирозни бартараф этишга қаратилган масалаларни муҳокама қилар экан, сўнгги йилларда Орол муаммосига жаҳон ҳамжамиятининг эътибори кучайганлиги ва ҳозирги даврдаги Европа иқлимидаги кескин ўзгаришларда Орол ҳалокатининг “улуши” қанчалигини таҳлил қилиб кўриш лозимлигини таъкидлашди².

Бугунги кунда нафақат Марказий Осиё, балки кўшни қитғалар халқлари ҳаётига ҳам хавф солаётган бу офат ўз кўлами билан кейинги юз йилликнинг йирик фожиаларидан бирига айланди. Денгиз сатҳи 17 метрдан кўпроқ пасайиб кетди³. 3,3 млн. гектардан ортиқ суви қочган ердан кўтаришган миллионлаб тонна қум-тўзон эса, сайёраимизнинг олис нуқталаригача етиб бораётир.

Орол денгизининг ҳалокати 60-йиллардан бошлаб авж палласига кирди. Бунинг оқибатида бугунги кунда Оролбўйи ҳудудларида, айниқса, Куйи Амударё ҳудудида ижтимоий-экологик муҳит ночор аҳволга тушиб қолди. Советлар ҳукмронлиги даврининг сўнгги ўн йилликлари давомида экологик вазиятнинг оғирлашуви натижасида тўпланиб қолган муаммоларнинг ҳал этилмаганлиги кескин ва зиддиятли демографик вазиятни юзага келтирди. Маълумки, демографик жараёнлар жамиятдаги аҳоли саломатлиги, унинг кўпайиши, турмуш тарзи ва шарт-шароитлари, миграцион жараёнлар, жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар, урбанизация жараёнлари каби омилларни ўзида уйғунлаштиради. Шу сабабдан – сўнгги чорак аср давомида Куйи Амударё ҳудудида юзага келган вазият маълум маънода ушбу жараёнларга ўз таъсирини ўтказган эди. Бунинг устига совет ҳукуматининг

¹ Каримов И.А. Қорақалпоқ диёрининг салоҳиятини рўёбга чиқариш, одамлар ҳаётини янада яхшилаш – долзарб вазифа // Тинчлик ва хавфсизлик учун курашмоқ керак. Т. 10. Т.: Ўзбекистон, 2002. 352-бет.

² Сотрудничество и взаимопонимание – единственный путь решения общих проблем // Новый день. Региональная газета содействия ЦАС и МФСА. 2002. №9/64. С. 1.

³ “Nature and Resources” – “Природа и ресурсы”, 1999. №2.

янги ерларни очиш, пахта яккахокимлигини кучайтириш борасидаги сиёсати нафақат ҳудуд атроф-муҳитининг бузилиши ва ижтимоий ҳаётнинг оғирлашишига, балки асосий табиий бойлик бўлган улкан тўқайзорларнинг сезиларли даражада камайишига, улардаги мавжуд ўзига хос генафонднинг жиддий қисқаришига олиб келди. Бир неча йил олдин 300 минг га бўлган тўқайзорлар бутунги кунга келиб 33 минг гектарни ташкил этади, ҳолос.

Афсуски, собиқ иттифок даврида Оролбўйидаги экологик вазиятни барқарорлаштириш учун қилиниши лозим ва мумкин бўлган амалий ишлар қорғозларда қолиб кетди. Ана шундай амалий ишлардан бири Сибирь дарёлари сувининг бир қисмини Оролга оқизиш ишлари бўлиб, бу лойиҳанинг моҳиятида гарчанд марказнинг манфаати ётган бўлса-да, ҳар ҳолда Оролга йилига 20 км³ сув қуйилиши таъминланар эди. Бирок, бу лойиҳа ҳам (1986 йилда) тўхтатиб қўйилди.

КПССнинг 1988 йилда бўлиб ўтган XIX Бутуниттифок конференцияси гўё Оролбўйи ҳудудида экологик вазиятни яхшилашда муҳим даврни бошлаб бергандек бўлди. Конференцияда сўзга чиққан делегатлар иттифок миқёсида биринчи марта Ўзбекистондаги оғир экологик вазиятни, пахта яккахокимлиги оқибатларини ва республикада болалар ўлими сони ниҳоятда юқори эканини куюниб гапирдилар. Аммо, булар етарли амалий натижалар топмади. Бунинг устига ҳудуддаги Қорақалпоғистон ҳуқуқлари чеклангани ҳолда, бир автоном вилоят сифатида мавжуд эди. Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритганидан сўнггина Қорақалпоғистон суверен Республика мақомини олиб, унинг ҳуқуқлари Ўзбекистон Республикаси томонидан конституциявий тамойиллар асосида муҳофазат этиладиган бўлди. Бу эса, экологик фожианинг оғир оқибатларини бошидан кечираётган аҳолининг ижтимоий-иқтисодий ҳаётини яхшилашга қаратилган масалаларда туб бурилиш ясади.

Шундай қилиб, советлар давлатининг сўнгги йилларида минтақада юз берган аср фожиси – Орол муаммосига совет ҳуқуматининг сиёсатини мустақиллик йилларида давлатимиз томонидан олиб борилган сиёсат билан қиёсий таққослаган ҳолда ҳаққоний ўрганишнинг катта илмий, амалий ва ижтимоий аҳамиятга молик эканлиги мазкур мавзуни алоҳида тадқиқот иши сифатида ўрганишни тақозо этди.

Тадқиқотнинг хронологик доираси XX асрнинг сўнгги чорагини ўз ичига олади. Тарихан қисқа бўлган шу даврда минтақа ҳаётида катта ўзгаришлар юз берди. Энг муҳими, тубдан фарқ қиладиган янги жамяят, яъни мустақил давлат бунёд этилиши натижасида минтақадаги муҳитга янгича муносабат шаклланди. Ўзбекистон мустақиллигининг ўтган даврини яқин ўтмиш билан қиёсий таққослаш, уни илмий нуқтаи назардан таҳлил этиш асосий мақсад қилиб олинди. Танланган даврнинг муҳим фарқ қилувчи хусусияти – яккапартиявий совет давлат-сиёсий тизимининг объектив иллатлари тус олгани бўлиб, у ўз навбатида, Орол ва Оролбўйи муаммоларининг кескинлашишига, Қуйи Амударё ҳудудида иқтисодий-ижтимоий соҳаларда зиддиятларнинг кучайишига олиб келди.

Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритганидан сўнг Қуйи Амударё ҳудудида ижтимоий-экологик вазият ва демографик жараёнлар масалаларини чуқур таҳлил қилиш Ўзбекистон ҳуқуматининг халқаро ҳамжамият билан ҳамкорликда ҳудуддаги табиий мувозанатни тиклаш ва ижтимоий

аҳволни соғломлаштиришга қаратилган чора-тадбирларни ҳамда унда мавжуд муаммоларни ҳар томонлама кўрсатиш, ҳудуд ижтимоий ҳаётидаги ўзгаришлар ҳақида чуқур тасаввур ҳосил қилиш имконини беради.

Тадқиқот мавзуининг ўрганилиш даражаси. Ўтган асрнинг сўнгги ўн йилликларида кўпгина олимлар учун Орол муаммоси натижасида юзага келган носоғлом экологик муҳит асосий мавзуга айланди. Бу даврда мавжуд экологик муаммоларнинг илдизлари ва турли жиҳатларини ўрганишга бағишланган турли адабиётлар, илмий мақолалар, рисоалар ва тадқиқот ишлари яратилди.

Бу нашрлар ва тадқиқот ишларини муаммонинг тарихшунослиги нуқтаназаридан таҳлил қилиш учун илмий жамоатчилик фикри намоён бўлиш хусусиятларидан келиб чиқиб, шартли равишда 2 гуруҳга – Ўзбекистон сиёсий мустақилликни қўлга киритганига қадар ва истиклолдан кейин яратилган тадқиқотларга ажратиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисобланди. Ўз навбатида, улар яна кичик гуруҳларга ажратилгани, мавзулар йўналиши ҳамда Куйи Амударё ҳудуди ижтимоий-экологик муҳитининг муҳим масалаларини очиб бериш усуллари билан фарқ қилади. Хусусан, совет даврида яратилган асарларда мазкур масалалар мафқуравий йўл йўриқлар асосида ёзилганлигига қарамадан, бу борада муайян ютуқлар ҳам қўлга киритилган. Жумладан, тадқиқотчилар анчагина ҳужжатли манбаларни илмий муомалага киритишга муваффақ бўлганлар, уларни қисман бўлса-да, бир тизимга солишга эришганлар. 90-йилларда Орол денгизининг қуриши оқибатида вужудга келган экологик ҳалокат ҳақида маҳаллий матбуотда кўпгина мақолалар чоп этила бошлади. Уларда муаллифлар ўзларининг ҳолисона муносабатларини билдириб, бу аввало, атроф-муҳитга бўлган эътиборсизликнинг оқибати эканлигини уқтирдилар².

¹ Бартольд В.В. К истории орошения Туркестана. Соч. т. III. - М.: Наука, 1965; Гумилев Л.Н. Изменения климата и миграции кочевников // Природа, 1972, №4; Герасимов И.П., Кузнецов Н.Т., Кесъ А.С. Проблемы Аральского моря и антропологического опустынивания Приаралья. // Проблемы освоения пустынь, 1983, №6; Проблемы регионального природопользования в Узбекистане. Т.: Фан, 1984; Хужумов А. Социально-нравственные аспекты экологической проблемы. Т., 1984; Хашимова И. Диалектика соотношения глобального и зонального в экологии. Т.: Фан, 1986.; Карабаев К. Как сохранить родную природу. – Т.: Фан, 1988; Орешкин Д. Арал: беда воды, беда людей // Химия и жизнь, 1989. №12. Гулямов П. Человек и природа. – Т.: Укитувчи, 1990; Зиямухамедов Б. Экология: история, теория и современность. – Т.: Мехнат, 1990; Глазовский Н.Ф. Аральский кризис, причины возникновения и пути выхода. М.: Наука, 1990; Его же. Аральский кризис. Москва-Нукус, 1990; Минашина Н.Г. Экологические последствия мелиоративно-водохозяйственного строительства в бассейне Аральского моря // Экологическая альтернатива. М., 1990; Яншин А.Л., Мелуа А.И. Спасти Арал ещё можно // Уроки экологических просчётов. М., 1991; Гасв А.Я., Самарина В.С. Наши следы в природе. М., Недра, 1991; Григорьев А.А. Экологические уроки исторического прошлого и современности. - М.: Наука, 1991; Андрианов Б.В. История воздействия сельского хозяйства на природу Аральского региона // Известия АН СССР. 1991, №4; Кесъ А.С. Естественная история Аральского моря и Приаралья // Известия АН СССР. 1991, №4.

² Бочин В. Топор и огонь в тугах // Правда востока, 18 мая 1986 г.; Залетаев В., Аметов М. и др. Почему отступают леса? // Советская Каракалпакия, 20 мая 1988 г.; М. Аметов. Пустыня и лес: кто одолеет? // Вести Каракалпакстана, 17 сентября 1995 г.; Курбанов Б. Леса – народное достояние, но они продолжают гореть // Вести Каракалпакстана, 5 декабря 1995; Бочин В. В поисках исчезнувшей карты // Правда востока, 13 июля 1996 г.

Кўпгина тадқиқотчиларнинг асарларида асосан ҳудуд аҳолисининг турмуш шароити ва айниқса, аҳоли саломатлиги билан боғлиқ масалаларга катта эътибор қаратилди. Булардан Ю. Шодиметов, П. Шермухаммедов, О. Хусайнов, О. Абдурахмонов, Т. Ешанов, Р. Эгамбердиевларнинг Орол муаммоси бўйича фикр-мулоҳазалари мавзунинг ёритишида ёрдам беради¹. Жумладан, таникли файласуф Ю. Шодиметов ўзининг асарларида Қуйи Амударё ҳудудидаги экологик вазият, ижтимоий ҳаёт, шу жумладан, аҳоли саломатлиги билан боғлиқ масалаларни чуқур таҳлил қилиб ўтади. Уларда айниқса, Ўзбекистон Республикасининг экологик сиёсати ва унинг муҳим жиҳатлари кенг очиб бериллади.

Мавзунинг демографик жиҳатларини ёритишида эса, А. Ота-Мирзаев, И. Муллажонов, В. Генштке, Р. Муртазаева, Д. Бобожонова, С. Мамашакиров, Г. Хўжаева, И. Отажоновларнинг олиб борган тадқиқотлари катта аҳамият касб этади². Шунингдек, сўнгги йилларда бир гуруҳ тарихчи олимлар томонидан яратилган “Ўзбекистон янги тарихи” асарининг иккинчи ва учинчи жилдларида ҳам мазкур масалага тегишли айрим маълумотлар келтириб ўтилади³. Тадқиқотчилардан О.К. Камиллов⁴, Б.А. Камолов⁵, А. Бахиев⁶, А.А. Юрич⁷, Р.Р. Реймов⁸, М.Б. Аметовларнинг атроф-муҳит, хусусан, иқлим, tupроқ ва сувнинг ҳолати борасидаги изланишлари ҳудуднинг экологик муҳити ҳақида сифат жиҳатдан янги тасаввурларнинг шаклланишига катта ҳисса қўшади. Шунингдек, экологиянинг тиббий ва

¹ Шадиметов Ю.Ш. Охрана окружающей среды – важнейший фактор укрепления здоровья. – Т.: Узбекистан, 1986; Его же. Человек: социально-экологические аспекты здоровья. Т.: Узбекистан, 1990; Его же. Региональные проблемы социальной экологии. Т., Узбекистан, 1992; Шермухаммедов П. Кучлар бирлашиди. Орол энди ўлмади // Ўзбекистон алабети ва санъати, 1993 йил, 20 сентябрь; Абдурахманов О. Арал - мой - печаль моя. // В кн.: Судьба Арала. Т. 1986; Ешанов Т.Б. Исчезнет море, исчезнет здоровье // Правда Востока, 24 мая, 1991 г; Его же. Физиологические значения и механизмы стрессовой реакции организма при адаптации // Вестник ККО АН РУз, 2000, № 4; Эгамбердиев Р. Инсон экологияси ва Амударёнинг қуйи оқимидаги аҳоли саломатлиги. Урганч, 1995.

² Муллажанов И.Р. Демографическое развитие Узбекской ССР. – Т., 1983; Его же. Население Узбекской ССР. Справочник, Т., 1989; Мамашакиров С. Урбанизованная экология или экологизированная урбанизация, Т.: Фан, 1991; Бобожонова Д. Демографик жараёнлар ва уларнинг узига хос хусусияти, Т.: Фан, 1995; Ота-Мирзаев А., Генштке В.Л., Муртазаева Р.Х... Историко-демографические очерки урбанизации Узбекистана. Т.: Университет, 2002; Отажонов И.Ш. Хоразм вилояти меҳнат ресурсларининг шаклланиши. НДА. Т., 2002.

³ Жўрасов Н., Файзуллаев Т. Мустақил Ўзбекистон тарихи. Т., 2000; Жўрасов М., Нуруллин Р., Камолов С... Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. Т.: Шарқ, 2000.

⁴ Камиллов О.К. Низовья Амударьи: как бороться с засолениями // Сельское хозяйство Узбекистана, Т., 1987, № 8.

⁵ Камалов Б.А. Арал и климат // Экология хабарномаси, 2000. № 1.

⁶ Бахиев А., Трешкин С.Е. Развитие процессов опустынивания в дельте и низовьях Амударьи и проблемы рационального природопользования // Вестник ККО АН РУз, 2001, №6.

⁷ Юрич А.А. Восстановление экономического потенциала и проведение необходимых природоохранительных мероприятий в дельте Амударьи. Нукус (рукопись), 1986.

⁸ Реймов Р. Ондатра и ее акклиматизация в низовьях Амударьи. Пушино-промысловые звери Каракалпакии. Т.: Фан, 1968.

⁹ Аметов М.Б. Современное состояние тугаев Каракалпакистана и их охрана, Нукус: Каракалпакистан, 1994; Его же. Деградиация природной среды низовьев Амударьи и пути ее преодоления // Вестник ККО АН РУз, №3, 2001; Его же. Пустыня и лес: кто одолест? // Вести Каракалпакистана, 17 сентября, 1995 г.

гигиеник жиҳатлари бўйича бир гуруҳ тадқиқотчиларнинг изланишлари алоҳида аҳамият касб этади¹.

XX асрнинг охирига келиб, экология масаласининг глобллашиб бориши боис, кўпгина хорижлик тадқиқотчилар ўзларининг асарларида бу муаммонинг турли жиҳатларини ёритиб ўтишган. Жумладан, Ж.Л. Бо, Ф. Моро Дефарж, Г. Сантенилар ўз асарларида жамият ва табиат ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг ижтимоий-фалсафий жиҳатларини очиб беришган бўлса, П.Х. Люкас, Бисуас ва Силверлар экологиянинг сиёсий жиҳатларини тадқиқ қилишган². Орол муаммоси масаласи эса 70-80-йилларданок ғарб олимлари эътиборини тортгани ҳолда қатор асарлар яратилди³.

Орол ва Оролбўйи муаммолари ва уларни бартараф қилиш масалаларини ёритишда қатор илмий-назарий конференция (1980- ва 1986-йилларда Нукусда, 1990 йилда Қизил Ўрдада, 1992 йилда Женевада ва бошқалар маълумотлари қатга ҳисса қўшади. Булар ичида Халқаро “ЭКОСАН” жамғармасининг халқаро конференция, илмий семинар ва симпозиумлари материяллари алоҳида ўрин тутади. Мустақиллик йилларида жамғарма томонидан 150 дан ортиқ бундай тадбирлар уюштирилган бўлиб, уларнинг кўпчилигида, жумладан, “Аҳоли саломатлиги ва экологиянинг долзарб муаммолари” (Хельсинки, 1994 йил, июнь), “Ўзбекистон: XXI аср бўсағасида экологик хавфсизлик” (Тошкент, 2002 йил, февраль), “Аҳолишунослик, тараққиёт ва атроф-муҳит” (Нукус, 2001 йил, июль), “Ўзбекистон: экологик тараққиёт йўлида 10 йил” (Тошкент, 2001 йил, август), “Экотуризм-атроф-муҳитни химоя қилиш ва барқарор ривожланишнинг муҳим омили” (Тошкент, 2002 йил, январ), “Орол ва Оролбўйи муаммолари – ҳамкорликка даъват” (Тошкент, 2002 йил, апрель) каби анжуманларда нуфузли халқаро ташкилотларнинг экспертлари, таниқли олимларнинг тадқиқотлари натижа ва яқунлари ҳақида маълумотлар ҳам келтирилади. Бу эса Куйи Амурдаё худуди, умуман Оролбўйида сўнгги йиллардаги ижтимоий-экологик вазиятни тўғри баҳолашга яқиндан ёрдам беради.

Мустақиллик йилларида тарихчи олимлардан С. Камолов, Д. Бобо-жонова, Г. Абдуллаева, А. Бердимуродова, О. Йўлдошев, К. Насриддинов, Н. Обломуродов, Б. Сиддиқов, А. Хазратқулов, Р. Носиров, М. Хожиева ва

¹ Новиков Ю.В., Бекназов Р.У. Охрана окружающей среды. Т.: Медицина, 1983; Ковалев Ю.С., Калабугин Л.А. Тайна родников. Т.: Мехнат, 1986; Убайдуллаев Р.У., Ильинский И.И. Атмосферный воздух и здоровье человека. Т.: Медицина, 1986; Алиев М.М. Экологическое воспитание и экологическая культура. Т.: Медицина, 1989; Атабоев Ш.Т., Набиев М.Н. Человек и биосфера. Т.: Медицина. 1993; Абдуллаев И.К. Изучение общей заболеваемости среди длительно и часто болеющих женщин детородного возраста // Вестник ККО АН Рvз, 2001, № 5.

² Beau L.-J. Socialism et mode de production pour resiviliser les societes industrielles. P., 1980; Lucas P.H. Landshapes: a guide for policy – mavers and planners. – Chapman and Hall, London, Angland. 1992; Biswas, Asit K... Environmental model ing for developing countries. V. 25. Tucooly Publishing, New York, 1990.; Santeny. Vers une ficcalite de L’environnement // Communiter. № 56. 1991-1992., c.t.c.

³ Goldman M. Environment collusion in Soviet Union Expanses of Progress. Cambridge. Massachusets. 1972; Foutes M.P. Sea Water based production defence against climate variability. - Tuson, Arizona. 1985; Peter Witword. Environmental Issues in the Aral Sea Basin. - 1992, World Bank. New York; Micklin Ph. International and regional responses to the Aral crisis. An overview of efforts and accomplishments. Post-Soviet Geography and Economics.39/7 1998.

бошқалар мазкур мавзуга қисман тегишли бўлган айрим масалалар устида тўхталиб ўтганлар¹. Улар ўзларининг диссертацияларида баён этган асосий ҳулоса ва тавсияларида, масалага илмий нуқтаи назардан ҳолисона ёндашиб, мавжуд вазиятга тўғри ва ҳаққоний баҳо берганлар. Жумладан, академик С. Камолов Оролбўйидаги экологик вазият, унинг Қорақалпоғистондаги салбий оқибатлари, советларнинг мазкур даврда олиб борган нотўғри сиёсати билан боғлиқ бир қатор муҳим маълумотларни ўзининг илмий асар ва мақолаларида батафсил ёритиб ўтган². А. Бердимуродова ўзининг “Проблемы экологического кризиса в Приаралье” мавзудаги номзодлик диссертациясида мавзунинг ижтимоий-сиёсий жиҳатларини бой фактик материаллар ва изланишларга асосланган ҳолда батафсил очиб беришга ҳаракат қилган. Диссертацияда Оролбўйидаги экологик инкирознинг келиб чиқиш сабаблари ва 90-йиллар бошида МДХ давлатларининг ушбу ҳудуд билан боғлиқ экологик сиёсатлари таҳлил қилинган³. Шунингдек, тарихчи олима Д. Бобожонова ўзининг докторлик диссертациясида ҳудуддаги ижтимоий ва экологик муаммоларнинг келиб чиқиш сабабларини ҳолисона асослаб берган. Г. Абдуллаева эса ўз диссертациясида жаҳон ҳамжамиятига босқичма-босқич интеграциялашув жараёнида Ўзбекистон Республикаси экологик сиёсатининг назарий концепция ва йўналишларини ёритиб берган. Унда кўтарилган масалалар мазкур тадқиқот ишининг иккинчи бобида ўз ифодасини топган масалаларнинг сиёсий жиҳатларини очиб беришда ёрдам беради⁴. Бу борада айниқсан М. Баходировнинг “Международное сотрудничество Республики Узбекистан в решении проблем Аральского моря” мавзудаги номзодлик иши катта аҳамият касб этади. Диссертацияда илк бора умумметодологик ва сиёсий таҳлил асосида Орол муаммоси масаласининг сиёсий жиҳатлари тадқиқ этилган⁵.

¹ Хаджиева М.Б. Социальное развитие села Узбекистана в конце 70-х и начале 80-х годов: опыт и проблемы: Дисс.... канд. ист. наук. Т., 1992. С. 130; Хазраткулов. А. Социальные проблемы Узбекистана и пути их решения. Специфика, опыт, перспективы. (1971-1990 гг.) Дисс.... докт. ист. наук. Т., 1993. С. 140-145; Сиидиков Б. Социально-экономические аспекты развития совхозного производства Узбекистана в 1965-1985 гг.. Дисс.... докт. ист. наук. Т., 1994. С. 22; Насриддинов К.М. Развитие ирригационно-мелиоративного строительства в Узбекистане и его общественно-экономические последствия (1981-1990 гг.): Дисс.... канд. ист. наук. Андижан, 1995. С. 22; Бабаджанова Д.Б. Социально-экономические аспекты межнациональных отношений в Узбекистане. Дисс.... докт. ист. наук. Т., 1997. С. 53, 82; Насыров Р.А. Социальное развитие села Узбекистана (1965-1985 гг.): Дисс.... докт. ист. наук. Т., 1997. С. 61;

² Камалов С.К. Аральский кризис и некоторые проблемы социально-экономического развития Каракалпакстана // сб. Медико-экологические проблемы Приаралья и здоровье населения. Нукус, 1991; Из истории развития Аральского кризиса // Вестник ККО АН РУз, 1990, № 4; Его же. Современное состояние, перспективы, изучение и публикации памятников истории и культуры Каракалпакской АССР // Проблемы Аральского моря и дельты Амударьи. Ташкент: Фан, 1984; Его же. Социально-экономическое положение Каракалпакстана и Аральская катастрофа // Вестник ККО АН РУз, 1999, № 6. С. 3-7; Шу муаллиф. Орол муаммосининг ечимлари хақида // Вестник ККО АН РУз, 2000, №1.

³ Бердимуродова А.К. Проблемы экологического кризиса в Приаралье (социально-политический аспект). АКД. М., 1993.

⁴ Абдуллаева Г.З. Экологическая политика республики Узбекистан в условиях поэтапной интеграции в мировое сообщество. АКД. Т., 2001.

⁵ Бахадиров М.М. Международное сотрудничество Республики Узбекистан в решении проблем Аральского моря. АКД. Т., 2002.

Бирок, Ўзбекистон тарихшунослигида Қуйи Амударё ҳудудида ХХ аср сўнги чорагидаги ижтимоий-экологик муҳит ва демографик жараёнлар мавзуси яхлит умумлаштирилган илмий-тадқиқот иши сифатида ўрганилмаган.

Тадқиқотнинг максал ва вазифалари. Мазкур тадқиқотнинг максади янгича ёндашувлар асосида тарихий жараёнлар билан боғлиқ ҳолда экологик, демографик ўзгаришлар масаласини ҳар томонлама таҳлил қилиш; танқидий умумлаштирилган тажрибадан сабоқ олиш ва Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритгандан сўнг рўй берган ўзгаришларга изчил тарзда тавсиф беришдан иборат. Шунга қўра, мазкур мақсадни тўлиқ ва ҳолисона амалга ошириш учун қуйидаги вазифалар қўйилмоқда:

– Қуйи Амударё ҳудудидаги сўнги чорак асрлик давр мобайнида юзага келган экологик ва демографик ҳолатни янгича ёндашув асосида, сифат жиҳатидан янги вазифалар ҳамда шароитларни, амалий тажрибаларни ҳисобга олган ҳолда тарихшунослик нуқтан назаридан ҳар томонлама чуқур таҳлил қилиш;

– ҳудуддаги ижтимоий-экологик муҳит ва демографик жараёнларнинг мустабид тузум шароитида ҳукмрон бўлган давлат ҳокимияти ва бошқарувнинг маъмурий-буйруқбозлик тизими олиб борган сиёсат ва тажрибага боғлиқ бўлганлигини амалий мисоллар ёрдамида кўрсатиш;

– ижтимоий ҳаёт тараққиётига, шу жумладан, экологик вазият ва демографик жараёнларга салбий таъсир кўрсатувчи объектив ва субъектив омилларнинг пайдо бўлишидаги асосий сабабларни ва уларнинг оқибатларини аниқлаш;

– Мустақиллик шароитида ҳудуддаги ижтимоий-экологик муҳит ва демографик жараёнлардаги муҳим ўзгаришларни чуқур таҳлил этиш;

– Орол ва Оролбўйи муаммоларини бартараф этишда Ўзбекистон Республикасининг қўшни республикалар ва халқаро ҳамжамият билан ҳамкорликда амалга ошираётган чора-тадбирларини ҳамда бу борада мавжуд муаммоларни чуқур илмий мушоҳада этиш;

– ўрганилган аниқ материаллар асосида ҳудуддаги муаммоларни янада чуқурроқ тадқиқ қилиш, жамият ривожланиб боришининг устувор шarti бўлган ижтимоий-экологик муҳит ва демографик жараёнларни яхшилаш юзасидан амалий тавсиялар тақлиф қилиш.

Тадқиқотнинг назарий-методологик асоси сифатида тарихийлик, ҳолислик, узвийлик ва тарихан муҳим аҳамиятга эга бўлган тарихий жараёнларнинг сабаб-оқибатли боғланишининг муқарраллиги каби илмий тамойиллар хизмат қилиши назарда тутилади. Илмий тадқиқот олиб боришининг турли йўлларига, комплекс-статистик қиёсий солиштириш (тарихий жараёнларга мурожаат қилиш) усулларига ва тарихий ҳодиса, факт ва рақамларни фалсафий мушоҳада қилиш йўлига, умуминсоний тафаккур қондаларига, инсонпарварлик ғояларига ва мустақил миллий истиқлол ғояси ва мафкурасига асосланади.

Ўрганилаётган жараёнларни таҳлил қилишга сиёсатдан холи тарзда ёндашилиб ҳамда тарихий ҳақиқат нуқтан назаридан ҳаққоний ёндашувга муҳим аҳамият берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг асарларида баён этилган Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятидаги эколо-

гик вазият, демографик жараёнлар ва ижтимоий-иқтисодий ривожланиш муаммоларига доир назарий қондалар, мулоҳазалар мазкур тадқиқот учун назарий-методологик асос бўлиб хизмат қилди.

Илмий тадқиқотнинг манбавий асосини, биринчи навбатда давлат ва жорий архив фондларидан олинган ҳужжатли материаллар ташкил қилади. Улар орасида Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат Архиви (ЎЗР МДА), Қорақалпоғистон Республикаси Марказий Давлат Архиви (ҚҚР МДА), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Архиви, Хоразм вилояти ҳокимияти архиви (ХВХА) ва Хоразм вилояти Давлат архиви (ХВДА), Оролни қутқариш халқаро жамғармаси (МФСА), Халқаро “ЭКОСАН” жамғармаси ҳамда ЎЗР Фанлар академиясининг жорий архиви ҳужжатлари бор. Шу билан бирга мавзунинг тадқиқ қилиш жараёнида статистик маълумотлар тўпламлари, вақтли матбуот, илмий ва ижтимоий-сиёсий нашрлардан ҳамда интернет маълумотлари, хусусан, МФСАнинг GEF Агентлиги (www.aral-sea.uz), Халқаро “ЭКОСАН” жамғармаси (www.business.uz/ecosan), ЎЗА (www.uza.uz) web сайтларидан олинган маълумотлардан ижодий фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги. Диссертация мавзуси ижтимоий фанларда қарор топган янгича қарашлар ва мустақиллик мафқураси асосида тадқиқ этилиб, илмий-назарий хулосалар давлат ва архив ҳужжатлари, статистик маълумотлар ва маҳаллий манбаларни чуқур ўрганиш ва қиёсий таққослаш асосида чиқарилди. Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагиларда кўринади:

1. Орол ва Оролбўйи масалалари махсус тадқиқ этилиб, мавзунинг ҳозирга қадар бўлган адабиётларда ёритилиш даражаси ўрганилди ва илгари муружаат этилмаган бирламчи манбалар ҳамда сўнгги маълумотлар илмий муомалаларга киритилди.

2. Қуйи Амударё ҳудудидаги экологик мувозанат бузилишининг ижтимоий-сиёсий негизларини чуқур илмий таҳлил қилишга ҳаракат қилинди.

3. Тоталитар тузум шароитида ҳудуддаги носоглом ижтимоий-экологик муҳитнинг ижтимоий-иқтисодий оқибатлари юзасидан аниқ маълумотлар келтирилди.

4. Мустақиллик йилларида Ўзбекистон ҳукуматининг олиб борган экологик сиёсати ва унинг кучли ижтимоий сиёсат билан узвий боғлиқлиги чуқур таҳлил қилинди.

5. Орол фожиасини бартараф этиш ва Қуйи Амударё ҳудудидаги табиий мувозанатни тиклаш бўйича мустақиллик йилларида қўрилаётган чоратадбирлар, бу йўлда Марказий Осиё давлатларининг ҳамкорлиги ҳамда ОҚХЖ (МФСА), Халқаро “ЭКОСАН” жамғармаларининг фаолияти статистик маълумотлар, маҳаллий манбалар, тегишли ташкилотларнинг жорий архивлари материалларидан фойдаланган ҳолда кенг ёритилди.

6. Ўрганилган материаллар асосида жамият тараққиётининг устувор шarti бўлган ижтимоий-экологик муҳит ва демографик жараёнларни яхшилаш юзасидан таклиф ва мулоҳазалар берилди.

Тадқиқотнинг назарий ва амалий аҳамияти шу билан белгиланадики, XX асрнинг охириларида, аниқроғи, Ўзбекистон мустақилликка эришганидан кейинги йиллар ичида рўй берган тарихий ҳодисалар ва Ўзбекистоннинг ижтимоий-экологик сиёсатини яқин ўтмиш – советлар даврининг

сўнги йиллари билан қиёсий таққослаш натижалари, чиқарилган илмий хулосалар ва тавсиялардан Ўзбекистон тарихи саҳифаларини янги маълумотлар билан бойитиш, дарслик ва ўқув қўлланмалари яратиш ҳамда олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида талабаларга “Ўзбекистон тарихи” фанини ўқитишда фойдаланиш мумкин.

Бу нарса айниқса, Ўзбекистонда инсонпарвар демократик жамият қурилаётган, таълим-тарбия тобора миллийлашаётган ҳозирги даврда катта аҳамият касб этиши табиий.

Атроф-муҳит муҳофазаси тобора глобаллашиб бораётганини ҳисобга олган ҳолда, мазкур диссертация сўнги чорак асрлик даврдаги ижтимоий-экологик вазиятни тарихий нуқтаи назардан таҳлил қилган дастлабки тадқиқотдир.

Мухими, ҳозирги пайтда экологик муаммолар ва демографик жараёнларни тўлиқ таҳлил этиш, уларнинг олдини олиш йўлларини излаш долзарб масала бўлиб турибди. Бу эса, мазкур диссертация хулосаларидан ҳам кенг фойдаланиш мумкинлигидан далолат беради.

Тадқиқот жорийланиши натижаларининг илмий жамоатчиликка ҳавола этилиши. Диссертация мавзуси ЎзР ФА Тарих институти Мувофиқлаштирувчи Кенгашининг 2001 йил 23 ноябрда бўлиб ўтган 2-йиғилишида тасдиқланган. Тадқиқотнинг асосий мазмуни эълон қилинган мақолаларда ва илмий анжуман тезисларида ўз ифодасини топган. Диссертация Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетининг Ўзбекистон тарихи кафедрасида ҳамда Ижтимоий фанлар Кенгашида муҳокама қилиниб, ҳимояга тавсия этилган.

Диссертация ЎзР ФА Тарих институти, Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университети ва Низомий номидаги Тошкент Давлат Педагогика Университетида илмий семинарларда муҳокамадан ўтган.

Диссертациянинг тузилиши. Тадқиқот кириш, икки боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат.

ТАДҚИҚОТНИНГ УМУМИЙ МАЗМУНИ

Ишнинг кириш қисмида мавзунинг асосланиши, долзарблиги, ўранилиш даражаси ва тадқиқот тизми (мақсад ва вазифалари, илмий янгилиги, амалий аҳамияти) ёритилган.

Тадқиқотнинг биринчи боби “XX асрнинг 70-80 йилларида Қуйи Амударё ҳудудида экологик ҳолатнинг бузилиши ва демографик жараёнлар” деб номланади. Ушбу бобда советлар даврининг сўнги ўн йилликларида Орол фожiasi кескин тус олиши ва унинг таъсирида Оролбўйидаги, айниқса Қуйи Амударё ҳудудидаги ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг оғир аҳволга тушиб қолиши ижтимоий-сиёсий негизлари, ҳудуддаги носоғлом экологик муҳитнинг ижтимоий-иқтисодий оқибатлари, уларнинг демографик жараёнларга таъсири кенг ёритилган.

Собик иттифоқ даврида халқ ҳўжалиги юритишнинг шаклланган тизмининг ҳудуддаги экосистема имкониятлари ва шарт-шароитлари билан кескин номутаносиблиги оқибатида Орол ва Оролбўйи муаммолари келиб чикди. Ҳудудда хом ашёга мўлжалланиб шаклланган инфраструктура халқ

хўжалиги талабларига жавоб беролмади. Хом ашёвий характер касб этган ишлаб чиқарувчи қушларнинг ривожланиши сув ресурсларининг кўп миқдорда истеъмол қилинишига олиб келди.

60-йиллардан бошлаб пахта яккахокимлигини мустаҳкамлаш мақсадида қўриқ ерларни ўзлаштиришга ҳужум бошланиб кетди. “Биз табиатнинг талабларига бўйсунолмаймиз, бизнинг мақсадимиз уни енгиш” деган шиорлар билан сув ва ердан ўлчовсиз фойдаланиш 70-80 йилларда янада авж олди. 1960 йилгача Оролбўйи ҳудудларидаги 5,12 млн. гектар ерни суғориш учун Амударё ва Сирдарёдан 50 км³ сув олинган эди. Бу нормал ҳолат бўлиб, сув исрофгарчилигига олиб келмаган. Аммо, 1960 йилдан кейин қўшимча 1,68 млн. гектар ер очилиб, унга ишлатиладиган қўшимча сув сарфининг ўзигина 62 км³ га етди¹. 90-йилларга келиб суғориладиган майдонлар 1970 йилга нисбатан Ўзбекистонда 56 фоизга, Қозоғистонда 111 фоизга, Туркменистонда 160 фоизга, Тожикистонда 37 ва Қирғизистонда 27 фоизга кўпайди. Натижада Амударё ва Сирдарёдан Орол денгизига қуйиладиган сув миқдори йилдан-йилга камайиб, йилига 5-6 км³ ни ташкил этди. Бунинг устига халқ хўжалигининг экстенсив ёўлдан ривожланиши оқибатида табиий ва сув ресурслари яроқсиз ҳолга келиб қолди. Янги ерларни ўзлаштириш шиори остида Қуйи Амударё ҳудудининг табиий бойликлари саналган тўқайзорлар “аёвсиз” бузиб ташланди ва Назархон, Бадайтўғай, Шаббоз, Саманбой, Чўртанбой, Нурумтубек, Эркин, Бойхўжа, Бердека, Ўрдабой, Ахантой каби йирик тўқайзор массивлари қисқариб, Қулатой, Соримой, Матниёз жилли, Сотлик, Чикчамил, Қуянчик, Оққамиш, Юмалок, Хатек, Бекбой, Шағалтўғай, Давқора каби тўқайзорлар умуман йўқолиб кетди².

1988 йил Қорақалпоғистон АССР Олий Совети ва Вазирлар Кенгашининг 5-0777-сонли қарори чиқди. Бу қарорга кўра Амударёнинг иккала томонида сувни ҳимоя қилувчи зоналар ташкил қилиниши кўзда тутилди. Бу, ўз навбатида, тўқайзорларнинг ривожланишига ҳам сабаб бўлар эди. Лекин, амалда бунинг акси бўлди. Айнан ушбу зоналардан Тўрткўл туманига 724 га, Беруний туманига 535 га, Шуманай туманига 400 га, Хўжайли туманига 308 га, Эллиқалъа туманига 200 га ва Нукус туманига 130 га ер экин майдонлари сифатида берилди³.

Собик иттифоқ даврида ирригация ишларида ҳам экологик талаблар, атроф-муҳитга етказилаётган зарар ҳисобга олинмади. Бундан ташқари, қорхоналарни жойлаштиришда жойларнинг “метеорологик” ва “топографик” хусусиятлари эътиборга олинмади. Аҳолининг ва ишлаб чиқаришнинг ўсиши билан боғлиқ равишда атроф-муҳитни ифлослантирувчи моддалар ҳажми юқори суръатлар билан кўпайиши ва қишлоқ хўжалигида минерал ўғитларни кўллаш ва алмашлаб экиш технологиясининг бузилиши ҳамда

¹ Камалов С.К. Аральский кризис и некоторые проблемы социально-экономического развития Каракалпакстана // сб. Медико-экологические проблемы Приаралья и здоровье населения. Нукус, 1991. С. 3.

² Трешкин С.Е. Аметов М.Б. Современная состояние тугаев Каракалпакстана и их охрана. Нукус: Каракалпакстан, 1994. С. 6.

³ Аметов М.Б. Деградация природной среды низовьев Амударьи и пути её преодоления // Вестник ККО АН РУ, №3, 2001. С. 5.

аграр секторда ишлаб чиқаришнинг экстенсив омиллар эвазига ривожланиши ҳам экологик мухитга жиддий таъсир кўрсатди. Шунга қарамасдан деярлик 100 фоиз экин майдонларида турли кимёвий заҳарли моддалар метёридан сезиларли даражада кўп ишлатиб келинди. Бу эса жиддий салбий оқибатларни келтириб чиқарди. Бундан ташвишланган зиёлилар иттифок органларига кўп бора мурожаат қилдилар¹. Лекин марказ бу огоҳлантиришларни эътиборга олмади.

Хулуд аҳолисининг саломатлиги, иқтисоди бўйича ҳал қилувчи чоратadbир белгилангандан сўнг ҳам Оролни, у орқали Оролбўйи экологик мувозанатини қутқариб қолиш амалга ошмади. Кўплаб дастурлар ва қарорлар фақат қозғаларда қолиб кетди.

Диссертациянинг мазкур бобда шунингдек, Қуйи Амударё ҳудудида юзага келган мухитнинг ижтимоий-иқтисодий муносабатларга таъсири баён этилади. XX аср охирига келиб Қуйи Амударё ҳудудидаги экологик фожиянинг салбий оқибатлари маъмурий-бўйруқбозлик тизимининг нуқсонлари билан уйғунлашган ҳолда юзага келтирган “носозлом мухит” катта ижтимоий-иқтисодий қийинчиликлар туғдирди:

Биринчидан, денгиз сатҳининг пасайиши иқлимнинг ўзгаришига сабаб бўлди. Жумладан, ҳудуд иқлимининг континенталлиги янада кескинлашди. Ёз фаслида иссиқлик 2 даражага кўтарилган бўлса, қишдаги ҳарорат 2 даражага пасайди².

Иккинчидан, сувнинг кўп миқдорда сарфланиши, сувдан фойдаланишнинг ва ерларни ўзлаштиришнинг илмий жиҳатдан асосланмаганлиги, дала-ларнинг кимёвий моддалар билан зарарланганлиги, қишлоқ хўжалигининг экстенсив ривожланиши каби омиллар уйғунлашган ҳолда экин майдонларининг шўрланишига, яроқсиз ҳолга келишига олиб келди ва қишлоқ хўжалиги тараққиётига тўсик бўлди. Жумладан, Қорақалпоғистонда 1975-1983 йиллар давомида пахта етиштириш бўйича давлат режаси бир мартагина бажарилди³.

Учинчидан, Орол денгизининг 3 млн. гектардан ортиқ қуриган ўзани туз кўтарилишининг ўчоғига айланди⁴. Туз чангларини 15 км балангликка кўтарувчи ва 200 км кенгликда ҳаракатлантирувчи қучли бўронлар вужудга кела бошлади. Ҳар йили атмосферага 150 млн. тонна туз чангга кўтарилиб, 800 км узокликка етиб борадиган бўлди⁵. Ҳаводаги туз миқдори 5-12% га етди. Бу ҳолат қумлик майдонининг кенгайишига, тўқайзорлар, турли ўсимликлар, қушлар ва ҳайвонлар турларининг йўқолишига олиб келди. Шунинг таъсирида яйловларнинг табиий потенциаллиги кескин пасайиб, тахминан 5 млн. тоннага яқин қимматли озуқабоп ўсимликлар йўқотилди.

Тўртинчидан, марказий идоралар айби билан Қуйи Амударё ҳудудида озиқ-овқат масаласи мураккаблашди. Пахта майдонларининг йилдан-йилга

¹ Ўзбекистон МДА, 837-фонд, 41-руйхат, 1680-ши, 33-36 варақлар.

² Камалов С.К. Аральский кризис и некоторые проблемы социально-экономического развития Каракалпастана... С. 4.

³ Партархив Каракалпақского обкома КП Узбекистана. Ф. 1., оп. 45, л. 12, С. 99.

⁴ Nature and Resources – Природа и ресурсы, 2-выпуск, 1999 г.

⁵ Жўраев М., Нуруллин Р., Камолов С. Ўзбекистон совет мустамлақачилиги даврида...566-бет.

кенгайиши ва бошқа деҳкончилик ўсимликларини бирин-кетин суриб чиқара бошлаши дон, сабзавот, сут, ва гўшт маҳсулотлари етиштириш имкониятларини камайтириб юборди. Натижада, кўпгина ҳаётий муҳим манфаатларга зиён етказилди. Жумладан, озик-овқат моллари истеъмоли бўйича Қорақалпоғистон охириги ўринларда бўлиб, аҳоли жон бошига ҳисоблаганда 1 йиллик гўшт ва гўшт маҳсулотлари истеъмоли собик иттифоқ даражасидан 3 марта кам, сут маҳсулотлари – 2,5, тухум – 3, балик – 6, картошка – 4, сабзавот ва полиз экинлари – 1,5 марта кам эди¹. Бундай аҳвол экологик фожиа марказида яшаётган аҳолининг турмуш шароитига марказнинг муносабати қай даражада бўлганини яққол кўрсатади.

Бешинчидан, носоғлом муҳит Қуйи Амударё халқ хўжалигига катта зиён етказди. Масалан, Қорақалпоғистонда 80-йиллар охирида аҳоли жон бошига саноат моллари йиллик ҳажми 600 сўмдангина иборат бўлиб, халқ хўжалиги молларини ишлаб чиқариш иттифоқ даражасидан 7 марта кам эди². Балиқчилик саноатининг барҳам топиши иқтисодиётга йилига 127 минг сўм зарар етказди³. Мўйноқ балиқ консерва заводи деярли Орол башидан маҳрум бўлиб қолди.

Олтинчидан, ерларнинг кучли даражада шўрланиши тарихий-маданий ҳаётга, унинг ўзаги бўлган маданий ёдгорликларга тузатиб бўлмас даражада зарар келтирди. Суғориладиган майдонларнинг жуда яқинлигидан шўрланиш оқибатида Туртқўл туманидаги Қўйқирилганқалъа ёдгорлигининг ЮНЕСКО рўйхатидаги жуда ажойиб ва қадимий обсерваторияси тиклаб бўлмас даражада зарарланди⁴. Эллиққалъа туманидаги 50 дан ортқик антик давр ёдгорликларидан фақат 10 га яқини сақланиб қолди. ЮНЕСКО рўйхатидаги яна бир ёдгорлик – Хоразм давлатининг қадимий пойтахти Тупроққалъа ҳам катта хавф остида қолди. Бундан ташқари, Орол фожияси оқибатида уй-жойга, маъмурий биноларга ҳамда йўлларга ҳам катта талафот етди. Тадқиқотлар кўрсатганидек, 1986 йил Қорақалпоғистоннинг 78 фоиз кишлоқ ва шаҳар турар жойлари деярлик фойдаланишга яроқсиз ҳолда эди. Асфальтланган йўллар ер ости сувлари туфайли бузилди⁵. Атмосферага кўтарилаётган туз ҳатто юқори вольтли электр узатгич линияларида ҳам ўрнашиб, уларнинг конструкция ва изоляцияси бузилишига сабаб бўлди.

Еттинчидан, энг асосийси, ҳудудда вужудга келган вазият ерли халқ саломатлигини ниҳоятда танг қилиб қўйди. Халқро ва маҳаллий экспедиция текширувлари экологик офат ва ижтимоий-маиший шарт-шароитларнинг оғирлиги минтақада яшовчи аксарият аҳолининг, айниқса, оналар ва болаларнинг соғлигига путур етказганлигини тасдиқлади. Бу ерда турли хил касалликлар, ўлим(айниқса, болалар ўлими) жуда кўпайиб кетди, ногирон туғилган болалар сони ошди. 70-80 йиллар давомида Қуйи

¹ Ешанов Т. Исчезнет море, исчезнет здоровье...

² Ахметов И. Обновление – ключ к успеху // Сельская правда. 1 июля, 1990 г.

³ Юриц А.А. Восстановление экономического потенциала и проведение необходимых природоохранных мероприятий в дельте Амударьи... С. 6.

⁴ Камалов С.К. Аральский кризис и некоторые проблемы социально-экономического развития Каракалпакстана... С. 5.

⁵ Камалов С.К. Социально-экономическое положение Каракалпакстана и Аральская катастрофа // Вестник ККО АН РУз, 1999, № 6. С. 5.

Амударёда ўлим даражаси собиқ иттифок кўрсакичидан 2-3 баробар ортди. Жумладан, 1986 йилда болалар ўлими ҳар минг кишига 71,5 кишини ташкил қиши (айрим туманларда 90-113 киши). Денгизнинг чўлланган қисмидан кемирувчилар оиласига мансуб ҳайвонот оламининг Амударёнинг қуйи қисмига силжиши натижасида Қорақалпоғистон вабо ва туляремия ўчоқларига айланди. Бунинг устига ҳудуддаги соғлиқни сақлаш ишларида йўл қўйилган камчиликлар аҳволни янада оғирлаштирди. Хоразм вилоятида тиббий кўрикдан ўтган бир миллион одамдан 28,4 фоизи соғлом бўлиб чиқди, 34 фоизи турли сурункали касалликларга йўлиққанларни ва 37,4 фоизи даволаниш курсидан ўтишга йўналтирилганларни ташкил қилди.

Советларнинг сўнгги 10 йилида Қорақалпоғистонда анемия касаллиги 10 минг кишига нисбатан 1160,8 тага етди. Бу даврда нерв системасидаги касалликлар 4, сурункали қулоқ яллиғланиши 12, гипертония 60, пневмония 19, сурункали бронхит 30, ошқозон яраси касалликлари 15, буйракдаги тош касалликлари 40, буйрак касалликлари 30, аномалия 25 марта кўпайган¹. Бу кўрсаткичлар аҳоли саломатлиги жиддий ҳавф остида қолганлигини кўрсатиб, улар кўп йиллар давомида кенг жамоатчилик олдидан сир сақланиб келинди.

Биринчи бобнинг учинчи қисмида ҳудуддаги носоғлом ижтимоий-экологик муҳитнинг демографик жараёнларга таъсири ўз ифодасини топди. 70-80 йиллар давомида ҳудуд аҳолисининг ижтимоий турмуш шароити йилдан йилга оғирлашиб борди. Бу даврда 80 фоиз аҳолининг турар жойи яхши даражада эмас эди. Бу ҳолат, шакр ва қишлоқларнинг эпидемиологик аҳволига салбий таъсир кўрсатди. Мавжуд имкониятларни ҳисобга олмай қабул қилинган ижтимоий ва бошқа соҳалардаги кўпгина дастурлар иқтисодий қарама-қаршиликларни чуқурлаштириб юборди. Собиқ иттифок маркази юритган ижтимоий сиёсат ҳам номига бўлди. Ногиронлар ва нафақадагиларнинг қийин аҳволи, “беғул” тиббиёт сифатининг ниҳоятда пастлиги, хотин-қизлар зиммасига юкланган ғоят катта юк, кўп болали оилаларни қўллаб-қувватлашнинг муғлақ етарли эмаслиги шулар жумласидандир.

Советлар даврининг сўнгги ўн йилликларида ҳудудда аҳоли ўсиши йилдан йилга камайиб борди. Жумладан, 80-йилларда аҳоли ўсиши ўртача 3,0-3,5% бўлган бўлса, 90-йилларда бу кўрсаткич 2 баравар қискарди. Бунга биринчи навбатда миграцион жараёнлар таъсир кўрсатди. Миграцион жараёнларнинг кучайиши ўз навбатида аҳолининг миллий таркибига ҳам таъсир ўтказди.

Тадқиқотнинг иккинчи боби “Мустақиллик шароитида Қуйи Амударё ҳудудидаги ижтимоий-экологик муҳит” деб номланади. Унда мустақиллик йилларида Ўзбекистоннинг минтақадаги экологик сиёсати, табиий мувозанатни тиклаш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар ва унда ҳалқаро ҳамжамиятнинг иштироки ўз ифодасини топган.

1991 йилда мустақилликни қўлга киритган Ўзбекистон Республикасига оғир “мерос” бўлган – Орол муаммосини республиканинг биргина ўзи еча олмас эди. Шунинг учун Ўзбекистон раҳбарияти биринчи навбатда Марказий Осиё мамлакатларининг кучини бирлаштириш масаласини кўтариб

¹ Т.Б. Ешанов. Охрана здоровья человека в экстремальных условиях южного Приаралья // Сб. Медико-экологические проблемы Приаралья и здоровье населения. Нукус, 1991. С. 57.

чикди. Республика ҳукуматининг Қуйи Амударё худудидаги ижтимоий-экологик вазиятни соғломлаштиришга қаратилган чора-тадбирлари натижасида ўтган вақт ичида бир қанча қасалхона, поликлиника ва тўрқхоналар қурилди. Қорақалпоғистон ва Хоразм бу даврда кўп миқдорда гуманитар ёрдам олди (жумладан, керакли асбоб ускуналар, дори-дармонлар). Бу даврда Ўзбекистон Президентининг фаол саяё-ҳаракати билан жаҳон ҳамжамиятининг Орол атрофида экологик муаммони бартараф этишга бўлган эътибори кучайди. Жаҳон банки, ЮНДП, ЮНЕП каби ташкилотлар Орол денгизи бўйича қабул қилинган дастурни ҳаётга тадбиқ этишда фаол иштирок этиб келишмоқда. Ўтган даврда республикада Орол муаммоларига бағишлаб бир қатор кенгашилар, семинарлар, конференциялар ва бошқа анжуманлар ўтказилди.

Мустақиллик йилларида Орол денгизи соҳилини ҳимоялаш, дарахтзорларни кенгайтириш ишлари пухта дастур асосида олиб борилди. Ўзбекистон ҳиссасига тегишли бўлган 1,5 млн. га майдонда олиб борилган саксовул экиш ишлари яхши натижа бера бошлади¹. Айниқса, GEF Агентлиги томонидан амалга оширилаётган сув ресурсларини бошқариш бўйича ҳаракат дастурлари ва стратегиясини ишлаб чиқиш, аҳолининг сув ва атроф-муҳит муҳофазасида масъулиятини ошириш, ҳудуддаги заҳланган ерларни қайта тиклаш борасидаги амалий ишлар самарали бўлди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси олимларининг ҳудуддаги ўта шўрланган учувчан кум-тупроқ зарраларнинг зарarli таъсирини камайтириш, тузга чидамли ўсимликларни ўстириш ҳамда сувга, шамолга бардош берадиган мустаҳкам тупроқ тузилмаларини ҳосил қилиш сари олиб бораётган илмий тадқиқотлари ҳам экологик мувозанатни тиклашда катта аҳамият қасб этади.

Шунингдек, иккинчи бобда Орол муаммосини бартараф этишда Марказий Осиё давлатларининг ҳамкорлиги масаласи ҳам ўз ифодасини топди. Бу – давлат раҳбарларининг учрашув ва келишувлари билан характерланади. Келишувларда Орол муаммосини биргаликда ҳал қилиш, Орол бўйи атроф-муҳитини соғломлаштириш ва ҳудуд ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлаш масалалари ўрин олди. Жумладан:

– 1993 йил мартда Қизил Ўрда (Қозғғистон)да биринчи марта Марказий Осиё давлат бошлиқларининг Орол муаммоларига бағишланган учрашуви бўлиб ўтди. Унда Орол денгизи таглигини ҳамкорликда ҳал этиш юзасидан биргаликда ҳаракат қилиш тўғрисида Битим имзоланиб, Орол денгизи муаммолари бўйича Давлатлараро Кенгаш ва унинг ишчи гуруҳи – ижроия кўмитаси, шунингдек, Оролни қутқариш халқаро жағғармаси ташкил этилди².

– 1994 йил январда Нукус шаҳрида Марказий Осиё давлат бошлиқларининг иккинчи учрашуви бўлиб ўтди. Унда “Аниқ ҳаракат дастури” қабул қилиниб, 3-5 йилга мўлжалланган минтақанинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини кўзда тутувчи режаларни амалиётга тадбиқ этиш бошлаб юборилди.

¹ Лондонские проекции для стран Европы, включая Узбекистан // Правда Востока, 28 июля, 1999 г.

² См: Положения и уставы межгосударственных организаций бассейна Аральского моря // Юрид. Сборник; Ташкент, № 3, 1993. С. 11-13.

– 1995 йил март ойида Марказий Осиё давлат раҳбарларининг Тошхувуз (Туркменистон)да бўлиб ўтган навбатдаги учрашувида Давлатлараро Кенгашнинг “Аниқ ҳаракат дастури” бажарилиши ҳақидаги ҳисоботи тингланди.

– 1995 йил 20 сентябрда Нукус шаҳрида Марказий Осиё давлатлари ва халқаро ташкилотларнинг Орол денгизи хавзасини барқарор ривожлантириш муаммолари бўйича Декларациясининг қабул қилиниши тарихий аҳамиятга эга бўлди¹.

– 1997 йил февралда Марказий Осиё давлат раҳбарлари БМТ, Жаҳон банки ва бошқа халқаро ташкилотлар вакиллариининг Алмати (Қозоғистон)даги учрашувида Орол муаммосини ҳал этиш бўйича ташкилий тузилмаларни такомиллаштириш тўғрисида қарор қабул қилинди. Унда Оролни қутқариш халқаро жамғармасининг ишчан таркиби ва унинг негизда ҳаракатчан Ижроия Қўмитаси тузилди.

– 1999 йил апрелда Ашхобод шаҳрида Оролни қутқариш халқаро жамғармасининг “Жамғарманин 1997-1999 йиллардаги фаолиятига бағишланган” навбатдаги мажлиси бўлиб, унда кейинги икки йилда бўлган ўзгаришлар муҳокама қилинди.

– 2002 йил 6 октябрда Душанба шаҳрида бўлиб ўтган саммит эса Оролни қутқариш халқаро жамғармаси фаолиятида сезиларли бурилиш ясайдиган бўлди. Саммитда жамғарма фаолияти таҳлил этилиши билан бирга 2003-2010 йилларга мўлжалланган аниқ ҳаракатлар дастури муҳокама этилди.

1998 йил 12 майда Оролни қутқариш халқаро жамғармаси Президенти, Ўзбекистон Президенти Ислоҳ Каримов томонидан қабул қилинган “Орол денгизи ҳавзаси сув заҳиралари ва атроф-муҳитни бошқариш” – GEF лойиҳасини қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги махсус Қарорга мувофиқ Агентлик қўлидаги компонентларга бўлинди²:

А – Сув ресурсларини бошқариш бўйича комплекс стратегик, тактик ва ҳаракатдаги дастурларни ишлаб чиқиш (6,3 млн. АҚШ доллари);

В – Жамоатчилик фикрини шакллантириш – сув билан боғлиқ муаммоларда аҳоли масъулиятини тушунтиришда ташаббус кўрсатиш (3,1 млн. АҚШ доллари);

С – Оқолтин хавфсизлигини таъминлаш – оқолтин хавфсизлигини баҳолаш ва унинг мустаҳкамлик ва чидамлилигини ошириш (2,6 млн. АҚШ доллари);

Д – Чегаралараро сув мониторинги – чегаралараро сув сифати ва микдори маниторингини шакллантириш (3,6 млн. АҚШ доллари);

Е – Заҳланган ҳудудларни қайта тиклаш – Амударё дельтасидаги (Судочье кўли) биологик хилма-хиллик саклаб қолинган зона ва ўхшаш экологик тизимни барпо этиш (3,9 млн. АҚШ доллари);

Ғ – Лойиҳа бошқарилишини қўллаб-қувватлаш – лойиҳани амалга оширишда ОҚХЖ га имконият яратиш (1,9 млн. АҚШ доллари).

¹ Международная конференция по устойчивому развитию бассейна Аральского моря. Окончательный отчёт. Цмюр, ICAS, Нукус, 18-20 сентября 1995 г. С. 21-24.

² Проект глобального экологического фонда по управлению водными ресурсами и окружающей средой и реализацией программы бассейна Аральского моря “ПБАМ” // Пресс-релиз МФСА. Т., 1998. № 1.

Мазкур лойихаларни молиялаштиришда “GEF” Агентлиги (12,2 млн. АҚШ доллари), Нидерландия (3,2 млн. АҚШ доллари), Европа Иттифоқи (1,5 млн. АҚШ доллари), Швециянинг СИДА Агентлиги (0,34 млн. АҚШ доллари) ва Марказий Осиё давлатлари (4,1 млн. АҚШ доллари) фаол иштирок этишди¹. “GEF” Агентлигининг мазкур лойихаси 4 йил муддатга белгиланди.

1998-2002 йиллар давомида “GEF” лойихасининг тегишли компонентлари бўйича қатор ишлар амалга оширилди. Бу ишлар Жаҳон банкининг Кузатув миссияси томонидан доимий равишда (1999 йил май, ноябрь; 2000 йил май, декабрь; 2001 йил июнь-июль, октябрь, 2002 йил феврал-март) ўрганилиб турилди ва кейинги амалга ошириладиган ишлар юзасидан таклифлар белгиланди.

“GEF” лойихасининг “А” компоненти – сув ресурсларини бошқариш бўйича комплекс стратегик, тактик ва ҳаракатдаги дастурлар ишлаб чиқиш лойихаси бўлиб, у ўз навбатида 2 та кичик компонентдан иборат бўлди.

«А1» компонент сув ресурслари ва тузларни бошқариш бўйича миллий ва ҳудудий изланишлар масаласини ўз ичига олади. Бу лойиха 30 ой муддатга мўлжалланган бўлиб, 7 фаза, 12 та миллий ва 12 та минтақавий вазибалардан иборат². Ўтган давр ичида халқаро консултантлар томонидан ҳудудий ва миллий режалаштиришнинг асосий принцип ва йўналишларини ўзида мужассамлаштирган ҳудудий ҳисобот (XX) тайёрланди. Албатта, мазкур лойиха асосида миллий ва ҳудудий стратегияларнинг ишлаб чиқилиши давлатлар ва секторлар ўртасида сув тақсироти жараёнида муҳим босқич бўлади.

«А2» компонент эса сув тежамкорлигини таъминлаш масалалари билан боғлиқ бўлиб, белгиланган муддат якунлангач, кузатув миссияси томонидан бу масалалар муҳокама қилиниб, мавжуд камчиликлар эътироф этилди. Жумладан, 2000 йилгача бу лойихани молиялаштириб келган «WAMAP 2» дастурининг ёпилиши натижасида сув тежамкорлиги бўйича мусобақаларда ғолиб чиққанлар тақдирланмасдан қолган. Комиссия бу компонентдаги 500 минг АҚШ долларини «С» ёки «Д» компонентларга қайта тақсирланишини эътироф этди³.

“В” компонент бўйича минтақа аҳолисининг дунёқарашини ўзгартириш, уларнинг экологик маданиятини ривожлантириш мақсадида кўп ишлар амалга оширилди. Жумладан, ҳар бир давлатда миллий гуруҳлар ташкил этилиб, улар оммага тушунтириш ишларини олиб бормоқдалар. Бундан ташқари, кейинги 2 йилдан буён ҳар йили ҳар бир республикада 2 та вилоят ўртасида мусобақа ўтказиб келинмоқда. Шунингдек, ҳар давлатдан 2 тадан сув омбори танланиб, бугунги кунда уларнинг фаолиятини кузатиш

¹ Текущий архив МФСА. О деятельности МФСА. Т., 1998. С. 5.

² Проект глобального экологического фонда по управлению водными ресурсами и окружающей средой бассейна Аральского моря. Компонент А. Подкомпонент А1 «Управление водными ресурсами и солями на национальных и региональном уровнях» // Пресс-релиз МФСА. Т., 2002. №36.

³ Интернет маълумотлари (www.aral-sea.uz) Наблюдательная миссия Всемирного банка // Пресс-релиз, Агентство GEF МФСА. Т., 2001. № 33.

жараёнлари бормокда. Бу сув омборларининг ҳар бири 100 минг АКШ долларлари миқдоридagi асбоб-ускуналар билан жиҳозландилар.

Мазкур компонент доирасида 2001 йилда Ўзбекистон миллий ишчи гуруҳи ташаббуси билан ёш авлодни сувни эъозлашга ўргатиш мақсадида «Мен-дадам-бувам сувнинг аҳамияти ҳақида» мавзуйида иншоолар танлови ўтказилди ва унда 3,5 млн. ўқувчи иштирок этди. Танлов бутунги кунда Орол тақдирига ёшларнинг, айниқса, Қуйи Амударё ҳудудидаги ёш авлод вакилларининг бeфaрқ эмаслигини кўрсатди. 2002 йилда эса «Орол денгизи ҳавзаси Дастури» ҳамда лойиҳа натижалари бўйича жамоатчиликка кенг маълумот бeриш жараёнини кучайтириш ишлари олиб бoрилди¹.

“С” компонент бўйича Оқолтин хавфсизлигини таъминлаш, уни баҳолаш ва мустаҳкамлигини аниқлаш ишлари олиб бoрилиб, ўтган 4 йил ичида халқаро консултантлар – “GIBBK SMES Group” (Буюк Британия) томонидан 10 та оқолтиннинг хавфсизлиги баҳоланди.

“Д” компонент – “Трансегаравий мониторинг” лойиҳасига кўра 2002 йилда халқаро дарёлар ҳисобланган Амударё ва Сирдарёга 25 та пост қурилди. Уларнинг барчаси алоқа воситалари(SEBA/Германия/) билан жиҳозланди. Бу эса миллий гидрометларга ахборот етказиш имконини бeради. 2003 йилда яна 12 та станция қурилиши режалаштирилган. Ҳозирда NRMP-USAID лойиҳаси доирасида бу станцияларда ишловчи маҳаллий мутахассислар малакасини ошириш ишлари давом этмокда.

«Е» компонент – захланган ҳудудларни қайта тиклашга қаратилган бўлиб, ушбу лойиҳа асосида 2001-2002 йилларда Судочье кўлини қайта тиклаш ишлари амалга оширилди. Лойиҳанинг биринчи босқичида Устюрт коллекторининг бош сув иншооти, 10,5 км узунликдаги иккита экологик қурилма, вақтинчалик автойўл қурилиши ҳамда Олтинкўл каналида сувни бошқариш иншоотини қайта тиклаш ишлари амалга оширилди.

Сўнги 2-3 йилликда Қуйи Амударё ҳудуди сув танқислигидан жиддий кийинчиликларга учрамокда ва бу ҳолат халқ хўжалигига қатта зарар етказмокда. Ушбу масаланинг яқин келажақдаги ҳолатини таҳлил қиладиган бўлсак, агар шу жараён давом этаверса, мисли қўрилмаган оқибатларга олиб келиши мумкин. Чунки, эндигина тинчликка эришиб халқ хўжалигини тиклашга уринаётган қўшни Афғонистоннинг Амударёдаги истеъмолчилик ҳиссаси ошади. Мутахассисларнинг фикрича, Афғонистон халқ хўжалигига йилга 10 км³ сув зарур бўлар экан². Бу масала бутунги кунда Россия жамоатчилиги кизиқишини ҳам ўзига тортган. Жумладан, Москва шаҳри мери Ю. Лужков томонидан 2002 йил ноябрда мазкур минтақага Сибирь дарёларидан сув бeриш (сувни сотиш ва бу йўлда геополитик мақсадларда фойдаланиш мақсадида) масаласи илгари сурилди. Сибирь дарёларидан Орол денгизига сув келтириш масаласи 2002 йилнинг апрел ойида Тошкентда халқаро «ЭКОСАН» жамғармаси ташаббуси билан

¹ Проект ГЭФ. Реализация «Управления водными ресурсами и окружающей средой». Компонент Б «Формирование общественного мнения» // Пресс-релиз Агентство GEF МФСА. Т., 2002. №38.

² Писаренко Д., Угланов А. Среднюю Азию спасет Лужков? // Аргументы и факты. 19 декабря, 2002 г.; Интернет маълумотлари (www.uzland.uz/2002/december/06/11.htm).

ўтказилган “Орол ва Оролбўйи муаммолари – халқаро ҳамкорликка даъват” мавзусидаги экофорумда ҳам кўтарилган. Унда сув ресурслари танқислиги муаммосини фақатгина четдан, хусусан, Сибирь дарёларидан кўшимча сув ресурслари келтириш эвазига ҳал қилиш мумкинлиги таъкидланган эди.

Диссертация иккинчи бобининг учинчи қисмида халқаро ҳамжамиятнинг Қуйи Амударё аҳолисига инсонпарварлик ёрдами ёритилди. Ўзбекистон Президенти И. Каримов нуфузли халқаро ташкилотларнинг юксак минбаридан туриб, халқаро жамғармалар, айниқса, БМТ эътиборини Орол денгизи қурий бошлаши оқибатида юз берган вазиятни ўнглашга қаратганлиги ҳам бежиз эмас. Бу саъйи ҳаракатлар натижаси ўлароқ бир неча хорижий жамғармалар, ташкилотлар Оролбўйидаги экологик офатга жиддий эътибор қила бошладилар. Жумладан, 1995-2000 йилларда ОҚХЖнинг лойиҳаларига Жаҳон банки 380 млн. доллар маблағ ажратди¹. Бу борада БМТ нинг аҳолишунослик жамғармаси ЮНФПАнинг 1994-1999 йиллардаги умумий фаолияти эса 5,3 млн. АҚШ доллари миқдорига баҳоланди. Булар асосан республикада, шу жумладан, Қуйи Амударёда аҳоли саноатлигини муҳофаза қилиш, аёллар марказларини шакллантиришга хизмат қилди. Шунингдек, мустақиллик йилларида ривожланган давлатлардан АҚШ (USAID орқали) – 27 млн., Германия – 9 млн. АҚШ доллари, Швейцария ҳукумати 9 млн. Швейцария франки миқдорига молиявий ёрдам кўрсатди. Япония ва Қувайт давлатлари билан катта миқдорда имтиёзли кредитлар олиш бўйича шартномалар имзоланди.

Қуйи Амударё ҳудудига инсонпарварлик ёрданини кўрсатишда ОҚХЖ (МФСА) Нукус филиали бошланғич ташкилот ролини ўйнади. Бу ташкилот орқали 1994-1996 йилларнинг ўзида Оролбўйи ҳудудида ижтимоий-экологик аҳволни тиклаш бўйича 1,7 млрд. АҚШ доллари ўзлаштирилди². 1998 йилда эса ОҚХЖ Нукус филиали 556 та лойиҳа учун 71,5 млн. сўм сарфлади³. Унинг 62 фоизи деҳқончиликка, 14,2 фоизи аҳоли хўжалик товарларига, 12,2 фоизи озиқ-овқат маҳсулотларига, қолгани таълим тизимига сарфланди. Филиал 1998-2000 йилларда Кўнғирот, Бўстон ва Чимбой шаҳарларида тузилган ижтимоий ёрдам жамғармаси лойиҳалари учун 540 млн. сўм ажратди⁴. Бу лойиҳалар кичик ва ўрта корхоналар, фермер хўжаликларини шакллантириш ва уларни ривожлантириш, янги ишчи ўрни очиш йўллари билан экологик носоғлом муҳитдаги яшовчи аҳолига ёрдам беришга қаратилди.

1995-1998 йиллар давомида Халқаро “ЭКОСАН” жамғармасининг “Оролбўйи аёллари ва болаларига экологик ва ҳудудий ёрдам лойиҳаси (АСПЕРА)” асосида ҳудудда 3,12 млн. АҚШ доллари миқдорига инсонпарварлик ёрдамлари амалга оширилди⁵. 1997-2001 йилларда эса бу жамғарма

¹ Текущий архив МФСА. Папка WORLD BANK; Доклад к совещанию стран-доноров... С. 15; Экологический вестник, 1997. № 3.

² Текущий Архив МФСА. Информация о деятельности МФСА. Т., 1998. С. 1-2; Голос Арала, № 10-11, 1997.

³ Текущий архив Нукусского филиала МФСА. Информация о деятельности Нукусского филиала Исполкома МФСА за 1998 год.

⁴ Камолов С.К. Орол муаммосининг ечимлари ҳақида... С. 5.

⁵ ЭКОСАН на пути по устойчивому экоразвитию // Экосанинформ. Т., 2001; Международный Фонд экологии и здоровья “ЭКОСАН” (ecroyouth.freenet.uz/ partner_1.htm).

томонидан Оролбўйига 30 млн. АҚШ доллари миқдориди инсонпарварлик ёрдамлари кўрсатилди.

Мазкур бобнинг охириги қисмида мустақиллик йилларида Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятидаги ижтимоий ҳаёт, айниқса аҳоли саломатлиги ва бошқа демографик жараёнлар билан боғлиқ масалалар ёритилди. Ўтган даврда республикада олиб борилган ижтимоий сиёсат туфайли бевосита, халқаро ҳамжамиятнинг кўмағида Қуйи Амударё ҳудудида ижтимоий соҳада сезиларли ишлар амалга оширилди. Ислохотларнинг дастлабки йиллариданоқ республикада раҳбарияти мазкур ҳудуд аҳолисининг ижтимоий ҳимоясига катта аҳамият берди. Кейинги вақтларда соғлиқни сақлаш ва даволаш-профилактика муассасаларини ислох қилиш ҳамда даволаш-профилактика муассасалар тузилишини қайта ташкил этиш бўйича аниқ йўналтирилган ишлар олиб борилади. Бу ишлар натижасида онкологик касалликлар бўйича анча барқарорликка эришилди. Ҳомилалар аёллар соғлигини тиклаш бўйича ҳам кўпгина режали ишлар амалга оширилди. Жумладан, 1991-1998 йиллар мабойида олиб борилган комплекс чора-тадбирлар натижасида 1998 йилга келиб Қорақалпоғистонда 1991 йилга нисбатан олганда оналар ўлими 108,7 тадан 60,6 тага (100 минг тирик туғилганларга нисбатан), болалар ўлими эса 51 дан 24,3га (минг болага нисбатан) ва абортлар сони 7,534 тадан 2,625 тага камайди¹. Шундай бўлса-да, ҳозирги даврда ҳам ҳудуд аҳолисининг саломатлигига ноқулай таъсири муҳит омилларининг таъсири кучли бўлмоқда. Бунинг исботи сифатида кейинги даврларда Оролбўйи ҳудудида яшайдиган аҳоли ўртасида аёлларда тарқалаётган камқонлик (анемия), саратон касаллиги (рак), ошқозон ва 12 бармоқли ичак яраларининг пайдо бўлишини айтиб ўтиш жоиз. Шунинг учун ҳам маҳаллий ва чет эллик олимлар ва масалаларга катта эътибор бериб ўрганмоқдалар. Мутахассислар фикрича Оролбўйидаги аҳолининг ўртача ёши бугунги кунда 43 ёшни ташкил этмоқда².

Диссертацияда аҳолининг табиий ҳаракатлари билан боғлиқ масалалар ҳам таҳлил этилди. Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда ўсиш суръати камайиб борди. Жумладан, бу кўрсаткич 1981-1990 йилларида ҳар йили 2,7 фоизни ташкил қилган бўлса, 1991-2000 йилларда 1,9 фоизга тушди³. Албатта, бунинг асосий сабаби туғилишнинг камайишидир. Бу ҳолат Ўзбекистоннинг ҳамisha туғилиш юқори бўлиб келаётган Қуйи Амударё ҳудудида ҳам юз берди. 1990-1999 йилларда Қорақалпоғистонда 1000 киши ҳисобига туғилиш 36 дан 23 гача, Хоразм вилоятида 35,4 дан 24,1 гача камайди⁴. Ҳудуддаги демографик ўзгаришнинг асосий сабаблари туғилишнинг камайиши билан бирга, аҳолининг ижтимоий-иқтисодий ва экологик яшаш шароитларига боғлиқ бўлди. Шу ўринда ўлим даражаси ҳам респуб-

¹ Исмоилов О., Ёлгондияев А. Развитие акушерско-гинекологической службы в республике Каракалпакстан // Вестник ККО АН РУз, №1, 2000. С. 32.

² Абдуллаев И.К. Изучение общей заболеваемости среды длительно и частично болеющих женщин детородного возраста // Вестник ККО АН РУз, №5, 2001. С. 14.

³ Бўриева М.Р., Саидов А.А. Ўзбекистоннинг демографик вазияти ва оила // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар, 2001. № 4-5, 66-бет.

⁴ Ўзмакрониксодидёт вазирлиги статистика Давлат Депортаменти маълумотлари. Естественное движение населения РУз за 1999 г. Т., 2000. С. 8

лика кўрсаткичларидан юқори даражада эканлигини таъкидлаш жоиз¹. Аҳоли ўсиши суръатининг камайиб боришида миграцион жараёнлар ҳам катта роль ўйнади. Жумладан, Қорақалпоғистонда 90-йилларда ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар ҳамда экологик муҳитнинг оғирлашиши туфайли кўчиб кетувчилар сони кўпайди. Бу, биринчидан, миграция сальдосининг кескин ўзгаришига олиб келган бўлса, иккинчидан, аҳоли таркибига ҳам катта ўзгаришлар киритди. Жумладан, кўчиб келаётганлар асосан ўзбек ва қорақалпоқларни ташкил қилгани ҳолда, кўчиб кетувчилар бошқа миллат вакиллари бўлди.

Диссертация якунида келтирилган асосий хулоса ва таклифлар қуйидагилардан иборат:

1. Собиқ иттифоқ даврида халқ хўжалиги юриштининг шаклланган тизимининг ҳудуддаги экосистема имкониятлари ва шарт-шароитлари билан кескин номуносиблиги оқибатида Орол ва Оролбўйи муаммолари келиб чиқди. Ҳудудда ҳам ашёга мўлжалланиб шаклланган инфраструктура халқ хўжалиги талабларига жавоб беролмади. Ҳом ашёвий характер касб этган ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиши сув ресурсларининг кўп миқдорда истеъмол қилинишига ва тайёр маҳсулотлар “камёблиги” шароитида кишлоқ хўжалиги ҳам ашёсининг кенг қўламда ишлаб чиқарилишига олиб келди. Мана шундай омиллар таъсирида минтақада “табиат – аҳоли – халқ хўжалиги” тизими мувозанати издан чиқди.

2. 60-йиллардан бошлаб собиқ СССР раҳбарияти пахта етиштириш режасини марказдан туриб белгилаб, унинг бажарилишини каттиқ назорат остига олган эди. Шунинг натижасида қўриқ ерларга ҳужум бошланиб, ҳар йили 80-100 минг гектар ер ўзлаштирилди. Бу ҳолат денгизга қуйилаётган сувнинг кескин қисқаришига олиб келди. Орол денгизи ҳалокатга юз тутиши маҳаллий аҳолини арзон маҳсулот (балиқчилик) ва ҳам-ашё (қамишзорлар)лардан маҳрум қилди.

3. Советлар даврининг 70-80 йиллари ўрталарида ниҳоятда кучайган қатъий, марказлаштирилган партиявий давлат тузилиши жорий этган маъмурий-бўйруқбозлик бошқаруви иттифоқ марказининг манфаатлари барча республикалар, миллат ва элатларнинг манфаатларидан устунлигини намойиш этиб, сиёсатни бирламчи, иқтисодийetni иккиламчи, ижтимоий соҳани учинчи даражали, деб ҳисоблади. Бундай сиёсатнинг оқибатлари, энг аввало ҳудуднинг халқ хўжалиги (айниқса, кишлоқ хўжалиги) ва ижтимоий ҳаётига жиддий зарар етказди.

4. Аграр соҳада ишлаб чиқаришнинг экстенсив омиллар эвазига ривожланиши, алмашлаб экиш технологиясининг бузилиши ва кишлоқ хўжалигида турли хил захарли химикатларни қўллаш оғир оқибатларга олиб келди. Бу, биринчидан аҳолининг турмуш шароити ва саломатлигига жиддий таъсир кўрсатган бўлса, иккинчидан, ер унумдорлигининг пасайиши, тупроқ таркибининг мисли кўрилмаган даражада бузилишига олиб келди.

5. Советлар даврининг сўнги ўн йиллигида сув ва ер ресурсларидан нотўғри фойдаланиш натижасида жиддий муаммолар келиб чиқдики, улар

¹ Хўжаева Г. Биз кўпайиб бормокдамыми // Эркин Қорақалпоғистон, 2001 йил, 17 май.

бугунги кунда ҳам долзарблигича қолмоқда. Жумладан, Қуйи Амударё ҳудуди айниқса, сўнгги икки йил ичида, сув танқислигидек катта муаммога дуч келди. Ҳудудда сув ресурсларидан фойдаланиш усулларини замон талабидеба бўлмайдн.

6. Бугунги кунда бевосита Ўзбекистон Республикасининг ташаббуси билан Марказий Осиё давлатларининг диққат-эътиборлари Орол ва Оролбўйи муаммолари ечимига қаратилган. Шу мақсадда тузилган ОКХЖ (МФСА) катта ишларни олиб бормоқда. Шундай бўлса-да, Орол фожиаси минтақа давлатлари иқтисодиётига йилига 1,4 млрд. АКШ доллари микдорнда зарар етказмоқда. Айниқса, сув масаласи бугунги кунда ҳам жиғдий муаммо бўлиб қолмоқдаки, уни тезда ҳал этиш зарур. Чунки, бундан айниқса, Қуйи Амударё аҳолиси азият чеқмоқда. Ҳамон сувни истеъмол қилишда “қолдик” принципига амал қилинмоқда.

7. Сўнгги йилларда бевосита Халқаро ЭКОСАН жамғармаси кўмағида халқаро ҳамжамият Оролбўйи, хусусан, Қорақалпоғистон ва Хоразм вилояти аҳолисига жуда катта, беғараз инсонпарварлик ёрдамларини бериб келмоқда. Халқаро нуфузли ташкилотлар ва бошқа донорларнинг молиявий кўмағи билан аҳолининг турмуш шароитини яхшилаш ва аҳоли саломатлигини тиклаш каби мақсадларга қаратилган бир қатор лойиҳалар амалга ошириб келинмоқда.

8. Бугунги кунда ҳудуддаги энг асосий масалалардан бири бу ривожланган жамиятнинг механизми сифатида ижтимоий мониторинг системасини яратиш масаласидир. Чунки, Қуйи Амударё ҳудудида, қолаверса, бугун Марказий Осиё минтақасида ҳалигача демографик, ижтимоий, иқтисодий, экологик ва бошқа жараёнлар боришини кузатувчи ижтимоий мониторинг тизими шаклланмаган. Масалан, Орол денгизи ҳалокатга учраган даврдан бошлаб Қорақалпоғистондаги демографик жараёнлар кузатиладиган бўлса, туғилишининг камайиши, ўлим даражасининг ўсиши, аҳоли сонининг ўсиш суръатининг пасайиши, миграция жараёнининг кучайиши, оила-никоҳ муносабатларининг ўзгариши ва уларнинг ўзига хос хусусиятларини кўриш мумкин. Бу жараёнлар билан боғлиқ бўлган кўрсаткичлар фақатгина тегишли ташкилотлар томонидан йиғилади, лекин уларни муайян, динамикалаштирилган системага солувчи, демографик жараёнларни яхлит таҳлил этувчи ягона мониторинг тизими йўқ. Бунинг демографик жараёнларни чуқур таҳлил этишга тўсқинлик қилишини тадқиқот ишини олиб бориш жараёнида учраган қийинчиликлар яққол тасдиқлади.

Ушбу хулосалардан келиб чиқиб ҳудудда мавжуд муаммоларни барта-раф этиш юзасидан қуйидаги тақлифлар тавсия этилади:

1. Ҳозиргача сувни исроф қилиш, уни ифлослантириш каби иллатлар сақланиб келмоқда. Бу ҳолни ер ресурсларидан фойдаланиш жараёнларида кузатиш мумкин. Шунинг учун ҳам GEF лойиҳасини тўла-қувватлаш ҳамда аҳолининг дунёқарашини ўзгартириш, уларнинг экологик онги ва маданиятини ривожлантириш зарур. Бу борада оммага тушунтириш ишларини олиб бориш, атроф-муҳит муҳофазасини ўзига хос ижтимоий ҳаракатга айлантириш лозим. Айниқса, кенг кўламда кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш жараёнларида ер ва сувдан тўғри фойдаланишни ташкил этиш, бу жараёнда фаол бўлганларни моддий ва маънавий рағбатлантириш зарур.

2. Атроф-муҳит муҳофазаси билан боғлиқ конунчиликни янада такомиллаштиришга эришиш мақсадида “Экологик жавобгарлик” тўғрисида кодекс шакллантириш лозим. Чунки, атроф-муҳитга зарар етказиш ижтимоий хавфлилиги бўйича ҳар қандай жинойи ҳатти-ҳаракатдан қолишмайди.

3. Қуйи Амударё аҳолиси сув танқислигидан азият чекаётганлиги туфайли, биринчи навбатда халқаро дарёлар – Амударё ва Сирдарё сувларидан фойдаланиш халқаро ҳуқуқ нормалари орқали тартибга солиб турилиши лозим. Марказий Осиё республикаларининг сув ресурсларидан фойдаланиши бўйича Орол ва Оролбўйига 6-сув истеъмолчи сифатида алоҳида сув миқдорини ажратилишини таъминлайдиган узоқ муддатли стратегия ишлаб чиқиш зарур. Бу эса, ўз навбатида юқоридаги дарёлар ҳавзалирида жойлашган сув омборларининг иш тартиблари ўртасидаги номуаносибликка ҳам чек қўяди. Шу билан бирга, ижтимоий-иқтисодий, маданий ва маърифий жиҳатларни ҳам эътиборга олишни тақозо қилади.

4. Қуйи Амударё ҳудудда халқаро нуфузли ташкилотлар ва бошқа донорларнинг молиявий кўмаги остида лойиҳаларни молиялаштиришда тегишли мутасадди ташкилотлар ва комиссиялар, биринчи навбатда бу лойиҳаларнинг ҳудуд ижтимоий-экологик муҳитини соғломлаштиришда кўрсатадиган кафолатли хизматларини эътиборга олса, мақсадга мувофиқ бўларди.

5. Ҳозирги кунда экотуризм ривожланишининг бир бўлаги ҳисобланган Орол ва Оролбўйи минтақаси хорижлик сайёҳларнинг диққатини жалб қилаётганини эътиборга олиб, ҳудудда экотуристлик йўналишлар, сайёҳлар учун қулайликларни яратиш ва бу ҳақда жаҳон жамоатчилигини реклама-лар, интернет тармоқлари орқали хабардор қилиш зарур.

6. Демографик жараёнлар билан боғлиқ бўлган кўрсаткичлар фақатгина, тегишли ташкилотлар томонидан йиғилишини ҳисобга олиб, уларни муайян, динамикалаштирилган системага сولувчи ва яхлит таҳлил эътиборига ягона мониторинг тизимини яратиш лозим.

Диссертация мавзуси бўйича қуйидаги илмий ишлар чоп этилган:

1. Ўзбекистоннинг Марказий Осиёда туган ўрни // УрДУ профессор-ўқитувчиларининг аънанавий конференцияси материаллари. Урганч, 1998.
2. Ўзбекистон халқаро ҳамкорлик ва ҳамжиҳатлик йўлида// Мустақилликнинг етти баҳори истикболнинг оидин йўли. Республика талабалар конференцияси материаллари. Тошкент, 1999 йил, 90-92 бетлар.
3. Қуйи Амударё ҳудуди: экологик носоғлом муҳит – мустамлакачилик асорати // Вестник ККО АНРУз, 2002, №3.
4. Ноқобил сиёсат асорати // Гулистон, 2002, № 5-6, 27-бет.
5. Шўролар давлати ва Орол // Вестник ККО АНРУз, 2002, №5-6, 73-75 бетлар.
6. Шўролар даврининг сўнгги йилларида Қуйи Амударё ҳудуди: экологик муҳитнинг демографик жараёнларга таъсири // Илм сарчашмалари, №1, 2003, 30-бет.

РЕЗЮМЕ

диссертации С.Р. Давлетова “Социально-экологическая ситуация и демографические процессы в регионе Нижней Амударьи в последней четверти XX века”

В первой главе данного исследования, названной “Нарушение экологического положения и демографические процессы в регионе Нижней Амударьи в 70-80 годах XX века”, автор широко раскрывает всю глубину проблемы, связанной с нарушением экологического равновесия в данном регионе в последнем десятилетии советского периода, его социально-экономические последствия и, в особенности, влияние на демографические процессы.

Результаты исследований и анализ демографических процессов в социально-экологической атмосфере, возникшей в регионе Нижней Амударьи в последней четверти XX века, интересны и необходимы не только с научно-исторической точки зрения, но и имеют большое политическое и практическое значение.

Советская социально-экономическая политика, основанная на “ничейном” и “бесхозном” положении природных ресурсов, необдуманное, бесконтрольное и расточительное отношение к воде и земле привели к проблеме Арала, ставшей трагедией века, повлекла за собой серьезные проблемы, в том числе демографического характера. В результате существенного влияния объективных и субъективных ошибок такой политики население региона столкнулось с серьезными и, порой, неразрешимыми проблемами в решении многих жизненно-необходимых вопросов. В современных же условиях национальной государственной независимости в республике стало возможным выявление причин, препятствующих оздоровлению социально-экономической атмосферы, обеспечения условий для улучшения материального и духовного положения населения региона Нижней Амударьи.

Во второй главе “Социально-экологическая атмосфера в регионе Нижней Амударьи в условиях независимости” раскрываются вопросы, связанные с социальными условиями жизни населения и экологической ситуацией в регионе в период независимости республики.

В первой части главы освещена работа по осуществлению региональной экологической политики и восстановлению экологического равновесия в современных условиях. Несмотря на то, что независимому Узбекистану досталось такое тяжелое “наследие”, руководство страны, понимая всю серьезность проблемы, находит необходимые решения для постепенного выхода из кризисной ситуации. Так, с первых лет независимости, Президент Узбекистана Ислам Каримов уделяет особое внимание этой проблеме. В этих целях разработана перспективная программа, на осуществление которой направлены многие усилия. Кроме того, благодаря инициативной политике руководства республики, данному региону оказывается и международная помощь. В последней главе диссертации даны общие выводы и предложения по поводу изученных вопросов.

SUMMARY

On the dissertation under the title "Social and ecologic situation and demographic process in the region of the Lower Amudarya in the last quarter of XXth century" done by S.R. Davletov.

The first chapter is devoted to the destroyance of ecologic situation and demographic process in the region of the Lower Amudarya in the 70-80 of the XXth century. This chapter deals with destroyance of ecologic balance and its social-economic results, especially its influence on the demographic process in the area of the Lower Amudarya in the last decade of the soviet period. The social ecological atmosphere that has come to exist in the region of Lower Amudarya in the last quarter of XXth century, the research analysis of the demographic processes from scientific and historical prospective are necessary not only for the subject of history, but also are of a great political and practical significance. This can be explained by the following.

First, during the Soviet time and the research was carried out incorrectly due to social and economic policy was not correct, the relationship to the earth, water and other natural resources were mismanaged. As the consequence the problem of the Aral Sea become a tragedy of the century. In the result of it we faced with serious and sophisticated problems and there was the influence of objective and subjective errors.

Second the material and spiritual condition of the population of the Lower Amudarya has improved during new national independence. It has become necessary to reveal the significance of the reasons of the barriers to improvement of the social and ecologic atmosphere.

The second chapter is called "Social-ecologic atmosphere in the region of Lower Amudarya" in the years of independence.

This chapter discusses the problem of social life and ecologic situation in the region in the years of independence. The first part of this chapter showed, the work which is done on establishing regional ecologic politics and restore ecologic balance. After Independence of Uzbekistan it inherited "legacy" of previous period. But administration of the country ran far-sighted and fair politics. Realizing the factual problem, President I.Karimov has asked for International support in the first years and through his policy he decided to rely on it. As a result of it, a lot of work have been done and are being done in the region of the Lower Amudarya.

The last chapter consists of summary and suggestions on the subject of the research.



Босма табағи 1,5. Адади 120 нусха.
ЎзР ФА ИБ қошидаги кичик босмахонасида чоп этилди
700047, Тошкент ш., Я. Ғуломов кўчаси, 70.